

ЎЗБЕКИСТОНДА ХЎЖАҒАТ (МАЛИНА) НАВЛАРИНИ ЕТИШТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Таджибоев Ҳасанбой Рустамбек ўғли

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти асисстенти

Худойбердиев Илхомжон Сайдолим ўғли

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти

Талабаси

Аннотация: Хўжағат (малина) навларининг келиб чиқиши, хўжағат навларида фенологик фазаларнинг ўтиши ва хосилдорлиги ҳақида маълумотлар келтирилган. Шунингдек Ўзбекистоннинг кескин континенталь иқлим шароитларида хўжағат навларига ва об-ҳавонинг таъсирчанлиги, махалий ҳамда интрадуксия навлар ҳақида олиб борилган тадқиқотлар бўйича маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлари: хўжағат, навлар, ҳарорат, нисбий намлик, тупроқ намлиги,

Республикамизнинг йирик шаҳарлари атрофида ва бошқа туманларида кўпчилик оиласалар ўз томорқа участкаларида эртаги қулпуни, қорағат, хўжағат етишириб, қўшимча даромад олишмоқда. Томорқа участкалари учун ер ажратиб бериш тадбири йил сайин кўпайиб бормоқда. Шу муносабат билан шаҳарликларнинг ҳам мева-резавор экинлари етишишига қизиқиш ортмоқда.

Республикамизнинг асосий суғориладиган ерларида ғўза, ғалла, сабзавот ва техник экинлар ўстирилмоқда. Мевали экинларнинг бир қисми суғориладиган ҳудудларда жойлашган бўлса, бир қисми лалми, тоғ- тоғ олди ҳудудларда ўстирилмоқда.

Ўзбекистон иқлими кескин континенталь бўлиб, ёз мавсуми давомли ўта иссиқ. Ўртacha ойлик ҳарорат июнь-июль ойларида суғориладиган ҳудудларда $26,6^{\circ}\text{C}$ дан $30,1^{\circ}\text{C}$ ни ташкил этади. Жанубий Қашқадарё ва Сурхандарё вилоятларида ўртacha ҳаво ҳарорати $31,9-32,5^{\circ}\text{C}$ гача етади. Ҳаво ҳароратининг энг юқори абсолют даражаси апрель-сентябрь ойларида $40-50^{\circ}\text{C}$ га кўтарилади. Бундай ҳолат нафақат жанубда, балки шимолий ва тоғ олди ҳудудларида ер сатхидан 800-900 м баландликда ҳам кузатилмоқда.

Республикамизда ёз мавсуми қурғоқчилик хусусиятига эга бўлиб, ўртacha ҳаво намлиги айrim ҳудудларда 10-15% гача тушиб кетади ва ҳавонинг паст намлиги сентябрь ойигача давом этади.

Ҳаво ҳароратининг кескин кўтарилиши ва ҳаво намлигининг пасайиши натижасида кўп қишлоқ хўжалик экинларининг юқори ҳароратга бўлган сезгирилиги ошади ва генератив ҳамда вегетатив органларининг чидамлилиги пасаяди.

Ўсимликлар кўпинча генератив органларнинг пайдо бўлиши ва шаклланиш даврида юқори ҳаво ҳароратидан кўпроқ заарланади. Айтиш керакки ёз ойларида

ҳаво ҳароратининг юқори ва ҳаво намлиги паст бўлиши эҳтимоли бутун республика бўйича юқори бўлиб ўртача 85 % ни ташкил этади. Шунинг учун қишлоқ хўжалик экинларининг иссиққа чидамли навларини яратиш долзарб хисобланади. Шу билан бир қаторда йиллик ёғин миқдори тоғли ва тоғ олди минтақаларида 200 дан 800 мм гача, водий шароитида 100 дан 600 мм гачани ташкил этади ҳамда дехқончилик асосан суғориладиган ерларда олиб борилади. Кўриниб турибдики, республикамизнинг барча ҳудудларида сув танқислиги муаммоси намоён бўлмоқда шуни таъкидлаш керакки сув танқислиги келажакда яна ҳам ортиб боради. Аҳолини кўпайиши ер майдонларининг кенгайтиришни ҳамда мавжуд экинзорларни ҳосилдорлигини оширишни тақазо этади.

Ўзбекистонда етиштирилаётган хўжағат навлари сортиментида юқори ҳосилдор, иссиққа, совуққа, қурғоқчиликка ва замбуруғли касалликларга чидамли, интенсив, ривожланиш жараёни қисқа, меваларнинг юқори товарлилиги ва универсал қайта ишлаш хусусиятларига эга навлар етарли даражада эмас.

Ўзбекистоннинг дунё бўйича хўжағат етиштиришдаги салмоғи анча паст бўлишига қарамай малина (*Rubus L*) етиштириш бўйича имконияти анча юқори. Сабаби малина таморқаларда кенг тарқалган қимматли резавор экин. Унинг меваси ўзининг ажойиб мазаси ва хушбўй ҳиди билан ажралиб туради, у истеъмол қилинувчи маҳсулот сифатидагина қимматли бўлмай, балки шифобахш ҳамdir. Хўжағат ҳўл меваси мураббо, шарбат, жем, компот, қиём ва ҳоказо тайёрлашда фойдаланилади. Хўжағат гуллаш даврининг нисбатан узоқроқ давом этиши, шунингдек ёмғирли об-ҳавода ҳам сақланадиган нектар (гулшира)га бойлиги туфайли асал олинувчи аъло даражадаги ўсимлик тарзида ҳам машҳурдир.

Маданий нав пайдо бўлишида асосан хўжағатнинг учта нав иштирок этган: қора хўжағат ёки Маймунжон - *Rubus occidentalis L.* қизил хўжағат - *Rubus idaeus L.*, ва тўқ қизил хўжағат - *Rubus neglectus Pesk*, шу нав қора ва америка тукли хўжағатни тасодифий равишда чатишганда олинган табиий ўзига хос гибриддир. Ҳозирги вақтда дўлана баргли хўжағат - *Rubus strataeifolius Bge*, хушбўй хўжағат - *Rubus odoratus L.* ва бошқа турлари янги ремонтант навларини танлашда ишлатилади.

Мевасининг таркибида шакар 5-10% гача, органик кислоталар 0,5 дан 2,5% гача, В₁, В₂, В₆, В₉, В₁₂, С, Д, Е, РР, Р, К витаминалар, ошловчи моддалар, бўёвчи моддалар (1,5% гача), фосфор, темир, тузлар, пектин (0,5-0,9%) бор. Хўжағатнинг шифобахшлиги қадим замонлардан маълум. Унинг



қуритилган гулидан олинадиган дамламаси илон ва чаён чаққанда қўлланилган. Таркибида шакар, органик кислоталар, С, Р, В₉ витаминалари ҳамда гемотоген бирикмаларининг гармоник бирикканлиги хўжағат мевасини яра касалликлари, камқонлик, қон томирлари ўтказувчанлигининг бузилиши каби турли хасталикларда жуда фойдалидир. Хўжағат юқори нафас йўлларига антисептик таъсир қўрсатиш ҳамда шамоллашнинг олдини олиш хусусиятларига эга бўлган антибиотикларга бой.

ХУЛОСА

Ўзбекистон шароитида хўжағат етиштириш имкониятлари анча юқоридир. Сабаби хўжағат навлари республиканинг кескин континентал иқлим шароитларига чидамли хисобланади. Шунингдек хўжағат навлари асосан ўсимликнинг вегетатив органларидан (қаламчасидан, пархишлаб, илдиз бачкиларидан) қўпайтирилади. Хўжағат ботқоқлашган ва шўр босган ерлардан бошқа барча тупроқ хилларида ўсади. Шу билан бирга хўжағат чиройли ва ширин ҳидли гуллашини даврининг нисбатан узоқроқ давом этиши нектар (гулшира)га бойлиги ҳам катта аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда ички ва ташқи бозорнинг хўжағатга бўлган эҳтиёжи тобора ортиб бормоқда.

Академик Махмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, үзумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг Андижон илмий-тажриба станциясида. Прогресс, Вислуха, Агустина, Маравилла Мальборо, Гигант (сарик) навлари йетиштирилмоқда. Хўжағатни фермер хўжаликларида етиштириш катта иқтисодий самара келтиради. Бундан ташқари аҳоли таморқаларида, ташкилотлар, мактаб ва болалар боғчалари ховлиларида экиб қўпайтирилса мақсаддага мувофиқ бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абдуллаев Р.М., Ягудина С.И. – Томорқада етиштирилайдиган резавор мевалар. Тошкент “Меҳнат” 1989 й. 37-80 бет.
2. Абдуллаев Р.М., Абдуллаева Ҳ.Р. “Фермер хўжаликларида энг яхши резавор мевалилар навларидан юқори ҳосил олиш агротехникаси” Тошкент. 2011 й. 9-14 бет.
3. Ягудина С.И. Смородина. Тошкент. “Меҳнат”. 1976 й.